

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ИШТИРОКИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Муҳаммаджон Исломидин ўғли Алимов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиной-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этиш кўпайиб бормоқда. Мазкур мақолада ҳарбий хизматчилар иштирокида содир этиладиган жиноятларни олдинни олиш, муаммолари ва уларни ечимлари ҳақида бўлади.

Калит сўзлар: таҳдидлар, жамоат хавфсизлиги, тажовуз, ҳарбий ҳаракатлар, жиноят ҳуқуқи, замонавий таҳдидлар.

КИРИШ

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан сўзлаган нутқида “Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қурулми можаро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қурулми Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини” таъкидлаган ҳолда уларнинг профессионал тайёргарлиги ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлигининг кафолати сифатида 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Президент Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат



хавфсизлиги Концепциясининг 2-боб 16-бандида “Жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларни моддий-техник таъминлаш, уларнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш” лозимлиги кўрсатилган[2].

Яқин вақтлар ичида қўшни мамлакат Қозоғистонда содир этилаётган оммавий тартибсизликлар ва намойишлар жараёнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилаётган бир қатор жиноятлар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бунга мисол тариқасида фуқаролар томонидан ҳарбий техникалар, қуроллар ва бошқа турдаги махсус ҳимоя воситаларини ноқонуний эгалланиши, ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишини олдини олиш мақсадида уларнинг яқин қариндошлари ва оила аъзоларига нисбатан ўтказилган таъзиқлар, айниқса ижтимоий тоифа объектларига ва алоҳида тоифаланган объектларга бўлган қўролли ҳужумлар ва бошқа ҳолатлар ҳарбий хизматчининг жиноят ҳуқуқида алоҳида субъект бўла туриб жабрланувчи сифатида иштирокчиликда агрессияга учраётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу нуқтаъ назардан мазкур таҳдидлар қўшни мамлакатда содир этилганлиги хавфи бизнинг мамлакатимизни четлаб ўтадимиз? Мазкур турдаги жиноятлар учун мамлакатимиз қонунчилигида қандай турдаги жавобгарлик турлари белгиланган? Амалдаги жиноят қонуни нормалари ҳозирги замонавий таҳдидларга қай даражада жавоб бера олади ва шу каби бир қатор саволлар ўз-ўзидан илмий тадқиқотларнинг объектига айланиши табиий.

Юқорида келтирилган саволларнинг амалий ечимларини амалдаги жиноят қонунчилигимизда белгиланган жавобгарлик турлари, жиноят субъектларининг ҳуқуқий мақоми, жиноятларда иштирокчилик каби масалалар илмий таҳлиллар асосида ўрганилганида бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатда ҳарбий хавф ёки фавқулотда ҳолат эълон қилинганлиги ҳолатида давлат органларининг мансабдор шахсларига қаратилган руҳий ёки жисмоний таъзиқлар биринчи навбатда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг яқин қариндошларига қаратилганлиги, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг соғлиги ва ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар қонун билан ҳарбий хизматчининг жиноят ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида инобатга олинган ҳолда муҳофаза қилинмаган. Шунингдек мазкур турдаги жиноятлар умумий асосда шахснинг соғлигига ва ҳаётига қарши жиноят турлари билан тартибга солинган.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ҳокимият вакиллари у ёки бу давлат функцияларининг амалга оширилишига жавобгар шахслар ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва оммавий тартибсизликлар чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи доимо хавф остида бўлади. Ҳокимият вакиллари ўз қонуний фаолиятини тўла тўқис амалга ошириши учун ҳуқуқий кафолат муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда шу даражага бориб етдики айрим фуқаролар ҳокимият вакилларининг қонуний ҳаракатларига очикдан очик тўсқинлик қилиш ва зўрлик ишлатиш ҳолатларини содир этмоқда.

Ҳокимият вакилига нисбатан зўравонлик қўллаш нафақат уларнинг ҳаёти ва соғлиғига, балки ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига ҳам путур етказди. Бу эса давлат ҳокимиятининг ва мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг заифлашишига олиб келади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 104, 105-моддаларида ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик мавжуд. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 30-сонли Қарорида “Ҳаёти ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик деганда, енгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин”лиги кўрсатилган[3].

Шу сабабли, амалдаги Жиноят Кодексининг 104, 105 моддаларида хизмат вазифасини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ходими ёки ҳарбий хизматчиларига ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатилиши билан тугалланган жиноят деб топилиши, яъни оқибатда тан жароҳати келиб чиқиш ёки чиқмаслигидан қатъий назар жиноят деб топилиши тартибга солинмаган (Мазкур моддаларда мазмунан тартибга солишнинг имкони ҳам мавжуд эмас, сабаби мазкур моддалар фақатгина тан-жароҳати билан боғлиқ бўлган жинойий ҳодисаларни тартибга солади).

Жиноят кодекси 112-моддасида ҳам ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш содир этилган бўлса оғирлаштирувчи ҳолат

сифатида жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бироқ, мазкур нормада тартибга солинган ижтимоий хавфли қилмишда объектив томондан зўрлик ишлатишга ҳаракат белгилари мавжуд эмас.

Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларнинг халқаро тажрибаси[4] ни ўрганиш шуни кўрсатадики, давлат органлари ходимлари ва уларнинг қариндошларига хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан зўравонлик қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд.

Қонуний фаолиятни таъминлаш ва ҳокимият вакилларининг фаолиятига аралашининг олдини олиш учун нафақат ўзини, балки яқинларини ҳам ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадга мувофиқ. Шундагина ҳокимият вакиллари, хусусан, Ички Ишлар органлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ҳодимлари) ва бошқа ҳуқуқни муҳофа қилувчи орган ҳодимлари ва ҳарбий хизматчилари ўзларини ва яқинларини ҳаёти ва соғлиғига тажовузлардан қонун ҳимоясида эканини ҳис этсагина, астойдил, фидокорона меҳнат қиладилар. Шундай экан, амалдаги ЖКга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда “Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган (бўлган) зўрлик ишлатганлиги учун жавобгарлик белгилаган ҳолда амалдаги ЖКга янги “Ҳокимият вакилига нисбатан зўрлик ишлатиш” жиноят турини киритган ҳолда қуйидагича:

219¹-модда. Ҳокимият вакилига нисбатан зўрлик ишлатиш

Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- г) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- д) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- е) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

ж) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида жиноят содир этилган бўлса –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бугунги кунда айрим шахслар томонидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига турли таҳдидлар амалга оширилиш кўпайиб кетаётганлигини инобатга олиб, алоҳида нормада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳаётига қилинган тажовуз учун жиноий жавобгарликни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур турдаги жавобгарлик бир қатор Европа (Белгия, Люксунбург, Швеция, Норвегия ва Дания) давлатлари ва АҚШларининг бир қатор штатларида мавжуд[5].

Шу сабабли амалдаги ЖКга ўзгартириш ва қўшимча киритган ҳолда:

219²-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ёки ҳарбий хизматчиларни ўлдириш

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ёки ҳарбий хизматчиларни ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан қасдан ўлдириш, –

йигирма йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Оммавий тартибсизликлар давомида тартиббузарликда иштирок этаётган фуқаролар томонидан жамоат тартибини сақлаш учун хизматга жалб қилинган ҳарбий хизматчи (ходим)га бириктирилган жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини

эгаллашга бўлган интилиш ошиб боради. Бунга мисол тариқасида қўшни Қозоғистон Республикасидаги оммавий тартибсизликлар вақтида ҳарбий транспорт воситаларини эгаллашга бўлган уринишлар ва эгаллаш ҳолларини келтириш мумкин.

Айнан шу бошқа ҳолатларни олдини олиш, шунингдек давлат бошқарув органларининг ўз функционал вазифаларини турғун бажариши ҳамда ушбу ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги нуқтаи назаридан, бу каби ҳаракатлар учун жинойий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги ЖКнинг 267-моддасида Транспорт воситасини олиб қочиш жинойяти тартибга солинган бўлиб, мазкур модданинг диспозициясида транспорт воситаси деганда умумий шахслар фойдаланиладиган барча турдаги транспорт воситалари тушунилади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳарбий ёки ҳаракат қилиш воситаларини (яъни ҳарбий қисм ҳисобида турган лекин ҳарбий техникага кирмайдиган транспорт воситалари (автомоби, дарё транспорти ва в.к.[6]) транспорт воситаларини олиб қочганлик учун ЖКнинг 267-моддаси билан квалификация қилинмоқда.

Лекин, ҳарбий транспорт воситалари таркибий қисмига ҳарбий қурол-аслаҳа ва ўқотар қуроллар бриктирилганлигини, шунингдек ҳарбий транспорт ва ҳаракат қилиш воситаларига қўшинларнинг жанговар ҳаракатга келиш ва жанговар вазифаларни бажариш билан боғлиқ вазифалари мавжудлигини, ҳамда мазкур техникаларни олиб қочилиши натижасида қўшинлар ўз жанговар вазифаларини ўз вақтида ёки умуман бажара олмаслик каби оғир оқибатлар келиб чиқишини инобатга олган ҳолда мазкур янги тартибдаги моддани ЖКга киритиш мақсадга мувофиқ. (Мазкур шу турдаги жинойятлар қўшни Афғонистон ҳарбий хизматчилари томонидан 2021 йилда Толибонларни мамлакатни эгаллашга қаратилган қуролли ҳаракатлари даврида шунингдек, Қозоғистонда содир этилган оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган).

Шу сабабли амалдаги ЖКга “Оммавий тартибсизликлар вақтида жамоат тартибини сақлаш учун хизматга жалб қилинган ҳарбий хизматчи (ходим)га бириктирилган жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини эгаллаш” жинойятини киритган ҳолда:

Оммавий тартибсизликлар вақтида жамоат тартибини сақлаш учун хизматга жалб қилинган ҳарбий хизматчи (ходим)га бириктирилган жанговар, махсус ёки транспорт

машиналарини босқинчилик, талончилик ёки ҳаёт учун хавфли бўлган бошқача усулда эгаллаш, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Хулоса ўрни шуни таъкидлаш лозимки мазкур юқорида келтирилган таклифлар биринчидан, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини ҳаёти ва соғлигини жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан муҳофаза қилган ҳолда уларнинг оила аъзоларини ҳам хавфсизлигини таъминлашга;

иккинчидан, Тинчлик ва жанговар ҳаракатлар чоғида ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётини муҳофаза этган ҳолда уларнинг жиноят ва жиноят процессининг алоҳида субекти сифатида киритилишига;

учинчидан, ҳарбий мулк ва ҳарбий техниканинг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш билан боғлиқ вазиятда уларни эгалланишини ҳуқуқий жиҳатдан олдини олишга ва мазкур ҳолатда жиноий оқибат келтириб чиқариш таҳдиди остида химоя қилишга сабаб бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табригидаги нутқи., <https://president.uz/uz/lists/view/4916>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони., www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги №30-сонли қарори., www.lex.uz/
4. Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси Жиноят кодекслари., www.norma.uz/
5. А.А.Трефилов., “Уголовный права зарубежных стран”., Том-2., Москва -2018 г., ст – 68-94.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар/М. Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 705 б.